

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

**“ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”
ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ИШТИРОКИДА
РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**



Бухоро 2020

Шахс фуқаролик маданиятининг асосини унинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги ва руҳий индивидуал сифатлари ташкил этади. Зеро, шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда олға сурилган ғоялар, илмий дунёқараш, тараққиёт омилини давр талаблари нуқтаи назаридан ўрганиш ва ўзлаштириш давлат рамзлари билан фахрланиш ҳар бир ёшнинг фуқаролик бурчи эканлигини англаб олишга ундайди. Инсоннинг маданий–маърифий тайёргарлиги эса муайян мамлакатнинг фуқароси сифатида давлат, халқ, ўз оиласи олдидаги бурчи, масъулияти, мажбурияти, ҳақ-ҳуқуқларини теранроқ англашга ва фуқаролик ғурури, онги, тафаккурини ривожлантириб инсонпарварлик, ватанпарварлик, довюраклик, интизомлилик, ишбилармонлик каби руҳий-индивидуал сифатларининг шаклланишига кўмаклашади. Шу асосда фуқаролик жамияти ёшлари учун энг зарур ва истикболли фазилатларни англаб етиш ва уларни ўзида тарбиялаш имкониятиларини яратади. Бунинг учун:

-давлат рамзлари (конституция, байроқ, тамға, мадҳия ва х.к.), фуқаролик кодекси, жамият принциплари, қонун-қоидаларини чуқур билиб олиш;

-бурч масъулият, мажбурият, ижтимоий муносабатларнинг моҳият-мазмунини англаш;

-ўзида фуқаролик онги, тафаккури, тасаввури, эътиқодини таркиб топтириш;

-шахсий-индивидуал сифатларининг ижобийларига эга бўлиш каби хусусиятларга таяниш талаб этилади.

Шундай қилиб, фуқаролик маданияти тузилмаси - шахснинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маданий-маърифий тайёргарлиги, руҳий-индивидуал сифатларидан иборат бўлиб, у мустаҳкам ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлиш, маданий кўникма ва малакалар бирлигига эришиш, фуқаролик ҳуқуқлари, муносабатларни эгаллаш, жамият томонидан қабул қилинган фуқаролик кодекси, қоида ва принципларига кундалик ҳаётда риоя қилиш, оилада, маҳаллада, жамиятда инсоний хулқ-одоб, интизоми асосида фаолият кўрсатиш риоя қилиб, мамлакатни, миллатни равнақ топтиришга ўз хиссасини кўшиш, масъулият, иймон, эътиқод каби фазилатларга эга бўлиб, инсонпарварлик, ватанпарварлик, интеллектуал салоҳиятни ўзида таркиб топтириш демакдир.

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ **М.А.Жумаева – БухДУ таянч докторанти**

Ўқитувчилик касбидаги педагогик фаолиятнинг хусусиятлари, функциялари, тузилмасини тадқиқ қилган А.Н. Шербаков, Н.В.Кузмина, В.А. Слостёнин каби олимлар педагогик фаолият ва унинг йўналишлари билан шуғулланганлар. Педагогик фаолиятни йўлга қўйиш бу педагогик маҳоратни ривожлантириш демакдир. Бугунги таълим ислоҳоти эса педагогик маҳоратни шакллантирмасдан ёки ривожлантирмасдан таълим сифатини

ошириб бўлмаслигини исботлаб турибди. Шундай экан, биринчи навбатда ўқитувчининг педагогик маҳоратини ривожлантириш зарурлиги тақозо этилмоқда. Бунга эришиш учун эса назаримизда инновацион педагогик фаолиятни ривожлантириш зарурдир.

Бугунги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўпгина муаммоларни, жумладан, педагогик жараённинг мазмуни, шакли, усулларини инсонпарварлаштириш ва демократиялаштириш, тарбиянинг мақсади, шакли ва усулларини миллий асосда қайта қуришни бош мақсад қилиб белгилади. Бундай шароитда янгича фикрлайдиган, ўз ишининг устаси, ёшлар мураббийси чинакам фидоий, ўқитувчи, аввало, билимдон инсон бўлмоғи керак. Бундай педагоглар фақатгина фаолият жараёнида шаклланади. Чунки, ҳар қандай олий педагогика таълим муассасаси бундай ўқитувчига фақат педагогик илми, касбнинг йўналишлари, сирлари тўғрисида маълумот беради, холос. Чинакам педагогик касбининг устаси таълим муассасасида, бевосита ва билвосита меҳнат жараёнида, ўз касбий малакаси устида тинмай ишлаш орқали қўлга киритади. Зотан, Педагогик маҳорат «... малака, машқ қилиш, ўқув, билим, кўникма ва ақл ҳосиласидир» [1].

Шу ўринда эътироф этиб ўтиш жоизки, ҳозирги давр, миллий мустақиллик ўқитувчи – тарбиячининг ўз фаолияти жараёнида қуйидаги уч муҳим вазифани амалга оширишини талаб этади:

1. Ижтимоий буюртма сифатида таълим муассасаларида ўқув – тарбия ишларини ташкил этиш, амалга ошириш орқали, ақл – заковатли, билимдон, ишбилармон тадбиркорларни тайёрлаш ҳамда уларни давр техникаси ва унинг ишлаш технологияси билан яқиндан таништириш.

2. Таълим - тарбия ишларини амалга ошира бориб, ўқитувчи - талабаларни илмий билимлар билан қуроллантириш, эгалланган билимлар асосида уларда амалий кўникма, малакалар ҳосил қилиш ва узлуксиз таълимга тайёрлаш.

3. Қўлга киритилган маълумотлар асосида ўқувчи - ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш, маънавий – ахлоқий салоҳиятини юксалтириш, жамият учун эркин фикрловчи ва иродаси бақувват ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларнинг ўз - ўзини англаш, ўз – ўзини бошқариш малакаларини ҳосил қилиш, мустақил билим олишга ўргатиш, ғоявий – сиёсий эътиқодини ҳамда миллий – эстетик фазилатларини таркиб топтиришга эришиш.

Бу вазифаларни ҳал этиш ва ўқитувчи – тарбиячининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш учун билим, маҳорат, салоҳият талаб этилади. Педагогик маҳоратнинг такомили эса инновацион фаолиятини қуйидаги йўналишларда йўлга қўйган ўқитувчининг бундай тайёргарликка эга бўлиши ва амалга ошишини тажриба кўрсатмоқда: Булар:

1. **Фаннинг илмий-назарий ва методологик асослари билан қуролланиш.** Маълумки, ҳар бир фан ўзининг ўрганиш соҳаси, ўқитиш муаммосига қараб илмий – назарий ва методологик асосга эга бўлади. Зеро, фаннинг илмий – назарий ва методологик асоси билан қуролланиши ўқитувчи–тарбиячига борлиқни, унинг тараққиёт қонуниятларини аниқ англаш ва талқин қилиш имконини беради. Чунончи, таълим – тарбия

жараёни мана шу тараққиёт қонуниятларини англашга, тушуниб етишга қаратилган, мақсадга йўналтирилган ўқитувчи – талаба ҳамкорлигининг иборат мажмуадир. Бундай ҳамкорликда ўқувчилар ўқитувчи раҳнамолигида борликдаги оддий ва мураккаб нарса - ҳодисаларнинг моҳият – мазмунини билишдан, мураккаб нарса ва ҳодиса, воқеа сирларини англашгача бўлган йўлни босиб ўтади. Табиат, жамият, тафаккур тараққиёти қонуниятларини ўзлаштириб уларга ўз муносабатини билдиради. Шу муносабат натижаси ўлароқ ўқувчи - талабалар борликдаги нарса ва ҳодисаларнинг тузилишини, уларнинг алоқадорлигини, фарқини, бордан йўқ, йўқдан бор бўлмаслигини билиб оладилар, тасаввурлар ҳосил қиладилар. Шунга кўра асосий илмий ғоялар, давр концепцияси, қонуниятларни тўғри англаш, билиш оқибатида фаннинг бош йўналиши, методологияси эгалланади ва амалиётда қўлланилади. Бу давр тақозосидир.

2. Таълим-тарбиянинг замонавий мақсад ва вазифаларини тушуниб етиш ва уни амалга ошириш малакасига эга бўлиш. Ҳозирги даврнинг ўқитувчи-тарбиячиси замон талаблари асосида таълим ва тарбиянинг мақсад, вазифаларини тўғри, аниқ тушунсадагина уни талабга мувофиқ амалга ошира олади. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи –тарбиячи, аввало, “таълим”, “тарбия” тушунчаларининг моҳиятини, мазмунини, «таълим жараёни», «тарбия жараёни»нинг механизмини, уларнинг объектив ва субъектив қонуниятларини билиши, амалий фаолиятда улардан ўринли фойдаланиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Шунга кўра ўқитувчи, даставвал, таълим – тарбиянинг асосан ижтимоий, психологик, дидактик хусусиятларини, илмий – назарий асосларини мунтазам билиб боришга одатланмоғи, сўнгра эса, шахсий тажрибаларини давр талаблари асосида ташкил этиши, уларни педагогик - психологик назариялар билан таққослаши, илғор тажрибаларни ўрганиши, ўқитиш ва тарбиялаш ишларини ҳаёт билан, меҳнат билан, ишлаб чиқариш технологиялари билан боғлаш имкониятини қўлга киритишга ҳаракат қилиши даркор. Зеро, ўқувчилар ҳозирги шароитда унумли меҳнат жараёнида тайёр бўлишлари шарт. Таълим муассасасиданоқ уларни ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари тамойилларидан воқиф қилмоқ лозим. Айни пайтда уларга оддий меҳнат қуроллари билан ишлай олиш малакасини бериши зарур.

3. Инновацион педагогик фаолиятни мустақил ташкил этиш. Ҳар бир ўқитувчи - тарбиячи педагогик фаолиятга киришар экан, аввало, уни мустақил ташкил этиш, шахсий тажрибаларини яратиш малакасига эга бўлиши лозим. Шундагина, у маҳоратли касб эгаси бўла олади. Шунинг учун ўқитувчи, аввало, ўз ихтисослиги, касбий фаолияти устида мустақил ишлаши, билим олиши шахсий фаолиятини илмий - назарий, усулий - амалий йўналишларини мукаммал эгаллашга интилмоғи даркор. Мустақил ишлаш, ўз фаолиятини мустақил такомиллаштириб бориш ҳар бир ўқитувчи-мураббий олдида давр қўяётган талабдир. Бу ўз навбатида ўқитувчининг мустақил билим олишнинг комплекс малакаларига эга бўлишини, ўз-ўзини назорат қилишини, ўз фаолият натижаларини таҳлил қилиб, ўз фаолиятини

баҳолашнинг реал кўникмаларини ўзига ҳосил қилиши зарурлигини кўрсатмоқда. Бу фақатгина педагогик фаолиятни мустақил ташкил этиш орқали амалга ошади.

4. Педагогик жараёнга креатив ёндашиш. Ҳар бир ўқитувчи – тарбиячи энг аввало ўз педагогик фаолиятига тадқиқотчилик нуқтаи назарида кўриб, унга изланувчанлик, ижодкорлик асосида ёндошса, тадқиқотчилик малакаларига эга бўлса, шахсий тажрибасини педагогик ташхислар, тажрибалар асосида яратса, маҳоратга эриша олади. Чунки, бунда ўқитувчи илғорликдан ижодкорликка ўтади ва кунлик иш фаолиятини таҳлил қилади, йўл қўйган нуқсон ва камчиликларини аниқлаб, уни тузатишни лойиҳалаштиради. Бунда ижодкорликнинг муҳим омиллари тафаккур ва фаолият, ирода ва қобилият изланиш ҳосиласи сифатида педагогик маҳоратни тарбиялашга кўмаклашади. Ўқитувчи ижодкор бўлган тақдирдагина таълим-тарбиявий ишларини ташкил этишнинг ноанъанавий йўлидан бора олади.

5. Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан юқори даражада фойдалана олиш. Ҳар бир фан ўқитувчиси ёш авлодга фан асосларини ўргатар экан, у, аввало, берилаётган маълумотлар асосида ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини шакллантиради, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялайди, уларни меҳнат ва касбга йўллаб, ижтимоий фойдали фаолиятга тайёрлайди. Шунинг учун таълим ва тарбия яхлитлигини илмий жиҳатдан тушуниш, таълим ва тарбиянинг имкониятларидан ўринли ва мақсадли фойдаланиш орқали мумкин. Бу қолаверса, ҳар бир фан ўқитувчисининг олдидаги инсоний бурчи ва педагогиканинг умумий қонунидир.

6. Ўқитувчининг компьютер ва ахборот технологиялари бўйича саводхонлиги. XXI аср компьютер, ахборот коммуникатив технологиялари асридир. Бу асрда ҳар бир ўқитувчи компьютер саводхонлигига эга бўлиши, давр техникаси ва унинг ишлаш технологиясидан хабардор бўлиши, ўқитиш жараёнига техника ва ахборот-коммуникатив технологияларини қўллаш олиши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида дарс самарадорлигини оширишга, ўқиш-ўқитиш сифатини таъминлашга хизмат қилувчи дидактик ҳодиса ҳисобланади.

7. Ўз ишига, ўртоқларига, касбдошларига, таълим муассасаси раҳбарларига, ота - оналарга ижобий муносабатда бўлиш. Ўзаро ҳурмат, ёрдам, ҳамкорлик ва бир бирини аниқ ва тўғри тушуниш касбий маҳоратни эгаллашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини тажриба кўрсатмоқда

8. Педагогнинг илмий-услубий ва амалий тайёргарлиги. Ҳар бир ўқитувчи ўз фаолиятини тизимли режалаштириши, педагогика, методика фанлари соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиши, доимий ижод қилиш, педагогик изланиши унинг инновацион фаолиятини ташкил қилса, у ўз навбатида педагогик маҳоратини оширишга қаратилган.

9. Дарсдан ва таълим муассасасидан ташқари ишларни ташкил этишнинг усул ва шакллари мукамал билиши, талабаларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли ўтказиш методикасини, уларни ижтимоий

- фойдали ишларга жалб қилиш йўлларини, талабаларда ҳавас, қизиқиш, ташаббускорликни тарбиялаш шакллари ҳар тарафлама билиш ва амалда қўллаш учун муҳим омилдир.

Педагогик фаолиятнинг қайд қилиб ўтилган йўналишлари, биринчи навбатда, ўқитувчи – тарбиячи моҳирлигини оширишга ёрдам берса, иккинчидан ўқитувчининг таълим – тарбия ишларининг янги педагогик ғоялар асосида ташкил қилишга ўз касбий малакасини юксалтиришга катта имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йулдошев Ж.Г. Педагогика фани ва Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш муаммоси. Т. «Маърифат», 1995 йил. 25 январь 2 – бет
2. Очиллов М., Очиллова Н. “Ўқитувчи одоби”. – Т.: “Ўқитувчи”, 1997, 6-бет.
3. Сайидахмедов Н. С. Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги. - «Маърифат», 1999 йил, 19 июнь, 3-бет.
4. Турсунов И.Й. Нишоналиев У.Н. «Педагогика курси» - Тошкент. Ўқитувчи. 1997 й.
5. Фарберман Б. А., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. “Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари”. – Тошкент, 2002,- 192 б.

ЗДОРОВЬЕ УЧАЩИХСЯ КАК ЦЕННОСТЬ И УСЛОВИЕ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

Гулбоев А.Т., Насимова З.И.

БухГУ

Здоровье взрослого человека является той ценностью, основы которой формируются в детские, подростковые и юношеские годы. Имеются все основания для рассмотрения здоровья как одного из важных условий повышения качества образования. От здоровья человека, умения его управлять своими эмоциями во многом зависит успешность в профессиональной и личной сферах жизни. “Физическое и психическое развитие ребенка должны быть признаны приоритетными, однако следует помнить, что родившемуся физически здоровому человеческому существу от природы задано все, но эта заданность лишь в возможности, а реальностью ее делает полноценное развитие в благоприятных условиях”.

Следует также отметить следующий бесспорный факт: “Ухудшение состояния здоровья детей прослеживается от начала обучения в школе к его концу, то есть процесс обучения в школе является фактором риска для здоровья учащихся. Стремительно увеличивается число функциональных нарушений и хронических заболеваний. Половина детей школьного возраста 7 – 9 лет и более 80 % старшеклассников имеют хронические болезни”.

В настоящее время в понятие “здоровье” включается нравственное и духовное благополучие. В связи с этим модель здоровья может быть